

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг (ЕТТБ) Ҳазначилик директори Аксел ва Недервен бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ташриф буюриб, регулятор раҳбарияти билан учрашув ўтказди.

ЕТТБ ЭКСПЕРТЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мулоқот чоғида томонлар Марказий банк ва ЕТТБ вакиллари билан иборат бўлган пул бозорини ривожлантиришда ҳамкорлик қилаётган ишчи гуруҳ фаолиятини муҳокама қилди.

Марказий банк раҳбарияти ЕТТБ томонидан ликвидликни прогноزلаш ва бошқариш бўйича кўрсатилган техник ёрдам регуляторнинг ушбу соҳадаги фаолиятини яхшилаганини таъкидлади.



Томонлар амалга оширилаётган пул-кредит операциялари самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашди ва икки томонлама ҳамкорликнинг кейинги истиқболларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Келажак лидерлари” клуби учун амалий тренинг ўтказилди.



ЛИДЕР ВА ЁШ ХОДИМЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

Мақсадли гуруҳларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар доирасида ўтказилган мазкур тренинг республикамизнинг турли ҳудудларидаги давлат ташкилотларининг 50 дан ортиқ етакчи ва ёш ходимларини камраб олди.

Тренинг давомида иштирокчилар рақамли банк хизматларидан самарали

фойдаланиш, банк депозитлари орқали жамғармаларни шакллантириш, молиявий хавфсизлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, молиявий мақсадларни белгилаш, шунингдек, масъулиятли қарз олиш қоидалари каби молиявий саводхонликнинг асосий масалалари бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар.

НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ОИД ЯНГИ ҚОНУН

2022 йил 17 март кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонун маъқулланди.



Қонунда нобанк кредит ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини бошлаш тартиби, уларга рухсат этилган ва тақиқланган фаолият турлари, микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари, шунингдек, нобанк кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш тизими назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан имзоланганидан сўнг кучга киради.

Ибрат

Нима бўлди-ю, эрхотин орасига шайтон оралади. Тотув оилада каттиқ жанжал бўлди. Эр ўзини босолмади. Хотинини шартга машинага ўтказиб, алам ва ғазаб билан “Узр, сен билан яшолмасаканман!” деб онасиникига ташлаб кетди. Тўғри масжидга бориб, пешин намозини ўқиди. Намоздан

кейин жойидан жилмади. Ўтираверди, ўтираверди. Асрга айтилган азондан чўчиб ўзига келди. Аср намозиниям ўқиб, масжиддан тўғри уйига борди,

ОИЛА ЖАНЖАЛИ

хувиллаган ҳовлини кўриб кўнгли алланечук бўлиб кетди. Хотинига телефон қилди:

— Онаси, бораيمي, қайтасанми?..
— Майли, дадаси. Фақат битта шартим бор.
— Хўш?..
— Ошхонага кириб.

— Кирдим.
— Тарелкани олиб, зарб билан уринг ерга.
— Урдим.

— Энди синиқларини йиғиб, аввалги ҳолига келтиринг. Кейин қайтаман!
— Узр, хотин. Ман пластик тарелкани ерга урган эканман. Синганам йўқ, синиқлариям йўқ-ку?..
— Оббо! Ривоятиниям расво қилдингиз-ку, дадаси. Келинг, мани тезроқ олиб кетинг. Ота-онамга бирровга келдим, дегандим, — дермиш хотини.

ШВЕЙЦАРИЯ МИЛЛИЙ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Швейцария Миллий банки халқаро ҳамкорлик бошқармаси раҳбари Аттилио Занетти бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида глобал миқёсдаги рискларни инобатга олган ҳолда мамлакатдаги макроиктисодий ҳолат ҳамда прогнозлар муҳокама қилинди. Шунингдек, макроиктисодий моделлаштириш ва прогнозлаш жараёнларини такомиллаштириш борасида кўшма ҳамкорликка оид долзарб масалалар кўриб чиқилди. Швейцария Миллий банки вакиллари молиявий барқарорлик йўналишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига техник кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

2022 йил, март

Жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 6 та тижорат банки ходимлари учун молиявий ҳамда рақамли молиявий саводхонлик бўйича малакали тренерларни тайёрлашга қаратилган икки кунлик онлайн ўқиш ташкил этилди.



МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БҲЙИЧА ТРЕНЕР ВА КОНСУЛЬТАНТ ТАЙЁРЛАНАДИ

Ушбу тадбир аҳоли ва мижозлар учун молиявий саводхонлик бўйича консультация бериш соҳасида тижорат банкларининг чакана бизнес бўлимлари ва фронт офис ходимларининг салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳа доирасида амалга оширилди.


Машғулотлар жараёнида иштирокчилар ўқув тадбирларини интерфаол форматда ўтказиш бўйича назарий би-

лим ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар. Тадбирда консультация бериш доирасида банк депозитлари орқали жамғармаларни шакллантириш, рақамли банк маҳсулотлари ва хизматлари, молиявий хавфсизлик, шунингдек, масъулиятли қарз олиш ва ижобий кредит та-

рихини шакллантириш каби асосий масалалар ёритилишига аҳамият қаратилиши таъкидланди.

Тренерлар ва консультантларни тайёрлаш, шунингдек, аҳоли ва банк мижозлари

учун молиявий саводхонлик бўйича консультациялар бериш орқали кенг кўламли мултипликатор механизми ёрдамида лойиҳани барча ҳудудларда амалга ошириш кўзда тутилган.



МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Кенг кўламли ҳамкорлик доирасида мақсадли гуруҳлар учун медиа контент қамрови ва маълумотлар хилма-хиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Россия Федерацияси Молия вазирлиги Илмий-тадқиқот молия институтининг молиявий саводхонлик бўйича 75 дан ортиқ аудиовизуал асарларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича

лицензия ҳуқуқлари қўлга киритилди.

Содда ва оддий тилда тайёрланган “edutainment” форматидаги ўқув материаллари молия соҳасининг ўзаро алоқадор жиҳатларини очиб бериб, молиявий имкониятларини тўғри ўлчаш, танлов қилиш,

қарорларнинг оқибатларини олдиндан баҳолаш ва молиявий ҳаракатлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиш борасида билимларни ўрганишга кўмаклашади.

Олинган маълумотларни ўзбек тилига таржима қилиш, келгусида кенг ёритиш орқали мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги болаларнинг эътиборини молиявий саводхонликнинг асосий масалаларига (шахсий жамғармалар, молиявий таъминот, ўзаро қарз муносабатлари) жалб қилишга кўмаклашади.

МАРКАЗИЙ БАНҚДА ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Юсуф бин Солиҳ ал-Утайбий билан учрашувда банк-молия соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, ислом молиясини татбиқ этиш имкониятлари ва мамлакат банк тизимига инвестиция киритиш масалалари муҳокама қилинди.

УШБУ СОНДА:



РАҚАМЛИ ОФИС ТУЗИЛМАСИ ЎЗГАРДИ




КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ИМКНИ!



ҚИММАТЛИ БУЮМЛАР “НАМКОРБАНК” ҲИМОЯСИДА!



БИРИНЧИ БЎЛИШГА ҲАРАКАТНИ БОШЛАДИК



ЛИДЕР ВА ЁШ ХОДИМЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

Банк структурасидаги ўзгаришлар



Бугунги кунда Рақамли офис олдида банкнинг амалдаги айрим маҳсулотларини рақамлаштириш, банкнинг IT архитектурасини қайта ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш, мижозлар билан ўзаро муносабатлари бўйича айрим жараёнларни автоматлаштириш, мижозлар учун мўлжалланган дастурий қўлланмалар ишлаб чиқиш, уларни ривожлантириш бўйича малакали, жумладан, хорижий мутахассислар иштирокида самарали фаолият юрита оладиган жамоани шакллантириш каби вазифалар қўйилган.

РАҚАМЛИ ОФИС ТУЗИЛМАСИ ЎЗГАРДИ

Олиб борилаётган ишлар ҳажми ҳамда ишга жалб этилаётган маҳаллий ва хорижий номзодлар, улар билан иш ташкил қилиш ҳолати қисқа бўлсада тажрибадан кўриндики, Рақамли офис олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш учун тузилманинг амалдаги таркибига ўзгартиришлар киритиш, ходимлар сонини ошириш ва зарур мутахассисларни жалб қилишга эҳтиёжни қондириш чораларини кўриш зарурати мавжуд. Таҳлиллар ва маслаҳатлар асосида Рақамли офиснинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Банк бошқаруви тасдиғидан ўтди. Унга кўра, Рақамли офис қуйидаги бўлим, марказлардан иборат бўлади:

- Масофавий банк хизматларини қўллаб-қувватлаш бўлими;
- Лойиҳалар офиси;
- CRM ходимларини қўллаб-қувватлаш бўлими;
- HamkorLab, у ўз навбатида:
- Фронт дастурлаш компетенциялар маркази;
- Микросервисларни яратиш компетенциялар маркази;
- Продакт овнер институти компетенциялар маркази;
- Риск стратегиялар компетенциялар маркази;
- Тизим таҳлили компетенциялар маркази;
- Девопс компетенциялар маркази;
- OpenApi компетенциялар маркази.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Kommunal to'lovlarini
qulay tarzda amalga
o'shiring!

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ИМКОНИ

Табий газ, сув ва электр энергияси учун ўз вақтида тўлов қилиш — хотиржамлик гарови.

“Hamkor Mobile” билан тўловларни бир неча дақиқа ичида кассага бормасдан ва комиссиясиз амалга ошириш мумкин.

Эртага ноқулайликларга дуч келмаслик учун тўловлар ҳақида бугун ўйлаш зарур!



ҚИММАТЛИ БУЮМЛАР “НАМКОРБАНК” ХИМОЯСИДА

Депозит ячейкаларини фойдали нархларда ижарага олиш имкони мавжуд. “Hamkorbank” ишониб топширилган қimmatли буюмларни хавфсиз ва мутлақ махфий бўлишини таъминлайди.

Банкнинг сақлаш бўлими жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий техник воситалар билан жиҳозланган.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИГА МАСОФАДАН ТЎЛОВ

Ота-оналар учун энг яхши ёрдамчи — “Hamkor Mobile” иловаси. Негаки унда хусусий ва давлат болалар боғчалари ва бошқа қатор тўловларни амалга ошириш мумкин.

Тез, қулай ва осон, асосийси кундалик юмушлардан чалғимаган ҳолда.

Бундан ташқари, биринчи марта тўлов амалга оширилганидан сўнг кейинчалик яна фойдаланиш учун намунани сақлаб қўйиш мумкин.



Нисбатан ёш филиал ҳисоблансакда, ўтган қисқа фурсат мобайнида ўзимизни намоён қилиш имконини топа олдик. Натижада жамоамиз “Hamkorbank” АТБ филиаллари орасида илгорлар қаторида қайд этила бошланди.

Айниқса, 2021 йил фаолиятимиз учун жуда омадли кечди. Бешинчи гуруҳ филиаллари орасида барча чоракни биринчи ўрин билан якунладик. Албатта, бу натижаларга ўз ўзидан эришилгани йўқ. Ютуқларга меҳнатсевар, малакали ходимларимиз муҳим ҳисса қўшди. Масалан, корпоратив хизматлар бўлими оммавий кредит сотиш менежери Муталиб Ақромов 2021 йилнинг ўзида 2 марта “Энг яхши оммавий кредит сотувчи” номинациясига сазовор бўлди.

Филиалимиз ходимларининг ғолиблик анъанаси бу йил ҳам давом этмоқда. Корпоратив хизматлар

БИРИНЧИ БЎЛИШГА ҲАРАКАТНИ БОШЛАДИК

бўлими сотиш менежерлари Шохрух Содиков ва Элдор Нигматов февраль ойи якунлари бўйича юқори натижаларни қайд этиб, “Энг яхши оммавий кредит сотувчи” номини қўлга киритди. Бундан кўринадики, 2022 йилни ҳам ёмон бошламадик.

Биздан “Ургут филиали илгорлар қаторида, бунинг асосий омили нимада?” дея кўп сўрашади. Банкимизнинг ютуқларидан бири — жойлашган ҳудудимизда йирик савдо комплексининг мавжудлиги. Республикага донг

таратган Ургут буюм бозорини кўпчилик яхши билади. Қолаверса, туманимиз эркин иқтисодий зоналар сирасига киради.

“Urgut Profnastil” МЧЖ, “Махамаджон нурафшон” хусусий корхонаси каби йирик мижозлар билан фаолиятимизни бошлагандан буён ҳамкормиз ва уларнинг даромадимиздаги улуши юқори.



Ана шу боис иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланишда. Айни пайтда филиалимиз 1300 дан ортиқ юридик ва яқка тартибдаги тадбиркор мижозларга эга. 35 мингдан ортиқ жисмоний шахслар ҳам мижоз сифатида рўйхатдан ўтган.

Режалар, мақсадлар катта. 2022 йилда ҳам биринчилар қаторида бўламиз ва бунга ҳозирдан ҳаракатни бошлаб юборганмиз.

Толмас ПЎЛАТОВ,
Ургут филиали бош ҳисобчиси.

“Hamkorbank” АТБ Урганч филиалининг “Хива” банк хизматлари офиси 2006 йилдан буён фаолият юритиб келади. Ҳозирда БХОнинг 136 та юридик ҳамда 80 га яқин яқка тартибдаги тадбиркорлари борки, уларнинг ҳамкорлиги боис банкнинг молиявий қуввати кун сайин ортиб борапти. Эътиборлиси, мижозларнинг аксарияти Хоразмнинг ўзига хос брендига айланган гилам ишлаб чиқариш билан шугулланади.

МУВАФФАҚИЯТ ЯНГИ МАРРАЛАРГА БОШЛАМОҚДА



— Банкимизнинг чакана-хизматлар бўлимида Рустамжон Саъдуллаев, Раҳимбой Ибодуллаев каби билимли ва тажрибали 6 нафар ходим ишлайди, — дейди БХО бошлиғи Суҳроб Қурбонов.

Мана шу кичик муассаса томонидан мижозларни молиявий қўллаб-қувватлашда ўзига хос мактаб яратилган. Банк томонидан жорий қилинган барча кредит хизматлари намунали амалга оши-

рилади. Шунингдек, омонатчиларга қулайликлар яратилган.

Жорий йил учун қўйилган 1 миллиард 600 миллион сўмлик фойда режаси январь-февраль ойлари ҳолатига кўра 114 фоизга, кредит ўстириш режаси эса 157 фоизга бажарилди. 100 миллионлик омонат режаси ортиғи билан якунланди. Бунда Шодлик Назаров, Жасур Содиков сингари билимли ходимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Яратилган шароитлар туфайли ходимлар ана шундай юқори кўрсаткичларга эришяпти.

Аҳил жамоанинг жипслиги туфайли “Хива” банк хизматлари офисида мустаҳкам иқтисодий ўсиш мавжуд. Банк ва мижоз муносабатлари янада мустаҳкамланиб, молия муассасалари орасидаги ўрни ҳам ўсиб борапти. Асосийси, хиваликлар кўрсатилаётган хизматлардан мамнун.

Н.ЙЎЛДОШЕВА.